

Муфтий Усмонхон Алимовга «Эл-юрт ҳурмати» ордени топширилди



10:00 / 07.01.2020 1744

Жорий йилнинг 6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовга ёш авлодни миллий ва умуминсоний ғоялари, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшгани, кўп йиллик самарали фаолияти, узоқ йиллардан буён ислом динининг инсонпарварлик, бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб қилиб келаётгани муносабати билан «**Эл-юрт ҳурмати**» ордени топширилди.

Муфтий Усмонхон Алимов ўз фаолияти давомида йигирмадан ортиқ китоб ва юздан зиёд илмий-оммабоп мақолалар ҳамда оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар қилган. Сўнгги йилларда муфтий Усмон Султонлиги Исломиё стратегик тадқиқотлар маркази томонидан 2019 йил 30 сентябрда эълон қилинган «Дунёнинг энг нуфузли 500 мусулмони» рўйхатидан муносиб ўрин эгаллади.

Дарҳақиқат, ўз меҳнати самарасини кўриш, улкан хизматлари эътироф этилиб, эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлиш, мамлакатнинг ифтихорига айланиш ҳар бир инсон учун катта бахт, энг олий саодатдир.

